

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ  
ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

**Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович -**  
Гулистон давлат университети таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада аҳоли фаровонлиги кўрсаткичлари, уни оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда юзага келадиган муаммолар, аҳоли турмуш даражаси ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муаммолар илмий асосланган тарзда таҳлил қилинган. Ва муаммоларни ҳал этиш бўйича хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, фаровонлик, тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, кредит, ишсизлик, аҳоли турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, иш ҳақи, молиявий юк, истеъмол, бюджет, меҳнат ресурслари, хизмат кўрсатиш.

ВЛИЯНИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА  
БЛАГОСОСТОЯНИЕ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

**Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович -**  
базовая докторская Гулистанский  
государственный университет

**Аннотация.** В данной статье научно анализируются показатели благосостояния населения, роль и значение предпринимательства в его росте, проблемы, возникающие при развитии предпринимательского сектора, уровень условий жизни населения и проблемы, связанные с занятостью населения. А также дано выводы и предложения по решению упомянутых проблем.

**Ключевые слова:** население, процветание, предпринимательство, малый бизнес, семейное предпринимательство, кредит, безработица, уровень жизни населения, доходы населения, заработная плата, финансовое бремя, потребление, бюджет, трудовые ресурсы, сервис.

THE IMPACT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY ON THE WELFARE  
OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN

**Yusufaliev Olimjon Abdurahmonovich -**  
doctoral student at Gulistan state university

**Annotation.** In this article, the indicators of the welfare of the population, the role and importance of entrepreneurship in its growth, the problems that arise in the development of the entrepreneurial sector, the level of living conditions of the population and the problems related to the employment of the population are scientifically analyzed. And the conclusions and suggestions on the solution of the problems mentioned.

**Keywords:** population, prosperity, entrepreneurship, small business, family entrepreneurship, credit, unemployment, standard of living of the population, income of the population, wages, financial burden, consumption, budget, labor resources, service.

**Кириш.** Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. Аҳоли фаровонлиги давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатларнинг туб мақсади – инсонларнинг манфатларини ишончли равишда ҳимоя қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш орқали уларнинг фаровонлик даражаси ва сифатини оширишдан иборатдир.

Маълумки, Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланиши учун етарли даражада қулай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлсада, лекин иқтисодиётда ҳали ҳам унинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар талайгина. Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бу-

гунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўсиши аҳолининг меҳнатдан топадиган даромадининг ошиб боришига хизмат қилади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятининг социал (ижтимоий) самараси – инсонлар фаровонлигида, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. Иш ўринларига эга инсонлар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топадилар, қобилият ва истеъдодларини юзага чиқара оладилар. Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш борасида ўзига хос тўпланган узоқ йиллик тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Аммо, тадбир-

корлик фаолиятини ташкил қилиш ҳам бошқариш ҳам мураккаб кечади ва бунда тартибга солиш ҳамда ривожлантириш тадбиркорнинг фақат ўзига боғлиқ бўлмайди. Бунда турли таъсир этувчи омиллар ва ривожлантиришга кўмаклашувчи омиллар ҳам иштирок этади.

Тадбиркорлик билан аҳолининг фаровонлик даражасини оширишда “турмуш даражаси”, “ҳалқ фаровонлиги” ва бошқа шу каби турли хил тушунчалар қўлланилади. Ўзбекистонда аҳолини моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаладиган “турмуш даражаси” атамаси кенгроқ қўлланилади. Аҳоли фаровонлиги ёки унинг турмуш даражаси аҳоли эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига, илмий-техник тараққиётга, аҳолининг маънавий маърифий савиясига ва бошқа шу каби омилларга боғлиқдир. Аҳолининг фаровонлиги бир томондан, аҳолининг мунтазам ўзгариб турадиган турли неъматларга бўлган эҳтиёжларининг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, у эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланади. Бироқ иш ҳақи миқдори ҳам, фаровонлик даражаси ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигининг кўлами, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси, миллий хусусиятларига боғлиқ.

Шуларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти бу жамиятда иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос бир тури бўлиб, унинг негизида тадбиркорнинг мустақил ташаббуси, маъсулияти юзасидан жавобгарлиги, ижодкорлиги, ўз ғоясига асосланган ҳамда фойда олишга қаратилган мақсад сари ундовчи омиллар сифатида шаклланади. Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ўзига хос иқтисодий фаолликнинг алоҳида унсурини ҳисобланиб, унинг бошланғич бўғини маълум бир ғоя ва фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан узвий боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шакл сифатида юзага келади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўли орқали аҳоли фаровонлигини ошириш моҳиятини тушуниб етиш учун энг аввало тадбиркорлик тушунчасини англаб етмоғимиз лозим.

Жумладан Ж.Б.Сэй томонидан “Бойликни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг оддий схемаси” нашр этилган ва унда ортиқча ишлаб чиқариш ва иқтисодий инқирозлар мумкин эмас деб тахмин қилинган. Ишлаб чиқариш даромад келтиради, бу эса тегишли қийматдаги товарларни сотиб олишга имконият яратади. Иқтисодиётдаги ялпи талаб ҳар доим ялпи тақлифга тенг дея эътироф этилган [1].

А.Смит томонидан халқларнинг бойлиги моҳияти ва сабабларини ўрганиш [2], Р.Хизрич ва М.Питерс томонидан тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, тадбиркорлик фазилатларини баҳолаш усуллари [3] атрофлича ўрганилган ва керакли тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Мильнер Б. эса мамлакатнинг ўз ресурс салоҳиятига иқтисодиёт ижтимоий ривожининг мувозанатлашган ва жадал ўсиш имкониятига нисбатан муҳим ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, геосиёсий шароитлар мажмуига тадбиркорликнинг ривожланиши сабабли деб қараган [4].

Россиялик олим Родина Т.Е. фикрига кўра, ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши ўртача 33 фоизни ташкил этади. Россияда эса уларнинг улуши ЯИМнинг бешдан бир қисмини эгаллайди [5].

Самсонов К. Фикрича, Тадбиркорлик - миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини, барқарорлигини, доимий янгиланишга ва такомиллашишга қодирлигини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуидир [6] деб таърифлаган.

Маҳаллий олимларимиздан И.У. Ибрагимов “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича янгича тақлифларни ишлаб чиққан [7].

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, бошқарув муносабатлари ва айрим ҳудудий хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов ва Б.Ходиевларнинг илмий ишларида баён этилган. С.Ғуломов бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг маънога эга. Тадбиркорлик фаолияти бизнес фаолиятининг бир шакли сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилади, деб таъкидлайди [8].

А. Абдуллаев, А.Сотволдиев ва бошқалар ҳаммуаллифлигида, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш номли дарслигида “Тадбиркор — ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини таваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот, хизмат ва ишлар билан кириб борувчи ишбилармон шахсдир” дея айтиб ўтган [9].

Профессор Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримовлар таърифига кўра “тадбиркор - бу бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг асосий субъекти ҳисобланади. Тадбиркор яқка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинки, бу кишилар ўзлари ихтиёрида

бўлган ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш ёрдамида бирлаштирадлар”[10].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, тадбиркорликни ривожлантиришда унинг аҳоли фаровонлигига таъсири ўрганилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мисол қилиб олинган.

**Таҳлил ва натижалар.** 2020 йилнинг декабрь ойида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан юртимизнинг 485 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжалиги ва 25,8 минг нафар фуқаро қамраб олинган ижтимоий сўровнома ўтказилди. Бунда 108 та шахар ва туман аҳолиси иштирок этди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9,0 фоизни ташкил этган, бу эса 2019 йилга нисбатан 0,3 фоизга пасайганлигини кўрсатади. Ишлаш истагидаги бўлганларнинг умумий сони 1350,3 мингга ташкил этади, бундан 15 фоизи 16–30 ёшдагилар, 12,8 фоизи аёллар улушига тўғри келади.

2020 йилда меҳнат ресурслари сони 19007,8 минг кишига етди, бу 2019 йилга нисбатан 100,9 фоизни ташкил этади. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 13541,1 минг кишини ташкил қилди (ўтган йилга нисбатан 102 фоиз). 2020 йилда илк бор расмий секторда банд аҳоли сони 2019 йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайиб, 5712,1 кишини ташкил қилди. Норасмий секторда банд бўлганлар сони (меҳнат мигрантлари ҳисобга олмаганда) 5368,3 минг кишини ташкил этди. Иш ўринларини легаллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида вақтинчалик ва мавсумий ишларни бажарувчилар 19,6 мингга, рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар 42,8 мингга камайган. 2020 йилда иқтисодий нофаол аҳоли сонининг камайиши кузатилди. Жумладан, ишлашни хоҳламаётганлар ёки дарҳол ишга жойлашишга имконияти йўқлар 73,9 мингга ёки 9,6 фоизга камайган, бу эса аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллиги ортганлигини билдиради[11].

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида,

аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда энг асосийси тадбиркорликни ривожлантиришда уни раҳбатлантириш йўли орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик соҳалари, жумладан, оилавий бизнес, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳаси фаолияти муҳим аҳамият касб этиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, “Бугунги кунда дунёда 90,0 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63,0 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолини учдан икки қисмини иш билан таъминламоқда”[12]. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини самарадорлигини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.

Аҳолини фаровонлиги оширишда энг аввало қайси соҳа бўйича амалий ишлар олиб бориш лозимлиги, оқсаётган йўналишларни аниқлаш лозим. Бунинг учун аҳоли фаровонлиги даражаси кўрсаткичлари ва индикаторларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал).

Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш фақат иш жараёни ёки ишчи ходимларни бошқариш билан яқун топмайди, балки янги туғилган фикрлар ва ижодкорликни тўғри қўллаш олиш ҳам бошқарувда қийин кечади. Шу боис, ҳар қандай жараёнда тадбиркор ўз фаолиятининг асосий субъекти бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, барча соҳаларда ҳам тадбиркор ягона субъект эмас, балки, ҳар қандай ҳолда ҳам у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси, турли вазиятларда рақобатчи сифатида намоён бўлади, шунингдек, баъзи ҳолларда давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Шу билан бирга истеъмолчи ҳам, давлат ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари сифатида эътироф этилади.

Тадбиркор билан истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар доимий бўлган ва давом этувчи жараён бўлиб ҳисобланади, бу жараённи тадбиркорлик фаолиятига таъсирини доимий баҳолаш талаб этилади. Бундай шароитда тадбиркор фаол субъект категорияси сифатида гавдаланади ҳамда истеъмолчи билан ўзаро бўладиган муносабатларни таҳлил қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнининг индикатори ролини бажаради.

Аҳоли фаровонлиги даражаси кўрсаткичлари ва индикаторлари [13]

Фаровонлик даражаси кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар индикаторлари
<b>1. Асосий жисмоний эҳтиёжлар қондирилиши</b>	
<b>1. Саломатлик</b>	1.1. Ҳар 1000 ёки 100 минг аҳоли ҳисобига жами ўлим
	1.2. Ҳар 1000 туғилган бола ҳисобига бир ёшгача ўлган болалар сони
	1.3. кутилаётган умр давомийлиги
	1.4. Касаллик натижасида меҳнат қобилиятининг йўқотилиши
<b>2. Овқат-иш</b>	2.1. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва ҳоказолар
	3.1. Турар-жойларда уйларнинг умумий майдонини ишга тушириш
<b>3. Турар-жой</b>	3.2. Турар-жойларнинг умумий майдони
	3.3. Турар-жой фондини ободонлаштириш
	3.4. Хонадонлар ўртача катталиги
<b>4. Уйлардаги мол-мулклар</b>	4.1. Аҳолининг моддий-маиший ва хўжалик буюмлари билан таъминланганлиги
	4.2. Аҳолига маданий-маиший буюмлар сотиш ва ҳоказолар
<b>5. Пулли хизматлар</b>	5.1. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми
	5.2. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш таркиби
	5.3. Маиший хизматлар ҳажми ва ҳоказолар
<b>6. Аҳолининг маданий даражаси</b>	6.1. Аҳолининг саводхонлик даражаси
	6.2. Нашр этилаётган китоб ва рисоалар ҳажми
	6.3. Чиқарилаётган журналлар ва бошқа даврий нашрлар ҳажми
	6.4. Аҳолининг телевизорлар билан таъминланганлиги ва ҳоказолар
<b>7. Меҳнат шароитлари</b>	7.1. Саноатда иш вақти йўқотишлари
	7.2. Ходимларнинг меҳнат шароитини ўзгартириш
	7.3. Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва ҳоказолар
<b>8. Дам олиш</b>	8.1. Ёзги оромгоҳларда дам олган болалар сони ва ҳоказолар
<b>9. Ижтимоий таъминот</b>	9.1. Пенсиялар ва ўртача иш ҳақи ва унинг энг кам миқдорлари бўйича нисбат
	9.2. Болаларга бериладиган нафақаларнинг ўртача миқдорлари ва уларнинг ҳаёт кечиришга лойиқ минимум нисбати
	9.3. Пенсиялар миқдори ва ҳаёт кечириш минимуми нисбати ва ҳк.
<b>10. Ижтимоий-маиший вазият</b>	10.1. Ишсизларнинг умумий сони
	10.2. Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва шикастланишлар, қотилликлар ва ҳоказолар оқибатидаги ўлим
	10.3. Рўйхатга олинган жиноятлар сони
	10.4. Ифлосланган оқар сувларни чиқариб ташланиш ҳажми
	10.5. Ҳавога заҳарли моддалар чиқариб ташланиши ва ҳоказолар
<b>11. Даромадлар ва сарф ҳаражатлар</b>	11.1. Аҳолининг пул даромадлари, шу жумладан уларнинг турлари бўйича
	11.2. Аҳолининг пул сарф-ҳаражатлари, шу жумладан уларнинг турлари бўйича
	11.3. Иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, шу жумладан, тармоқлар, минртақалар ва касблар бўйича табақаланиши
	11.4. Аҳолининг омонатлардаги жамғармалари ва унинг кўпайиши ва ҳоказолар.

Истеъмолчининг ижобий баҳосига эга бўлган ҳолдагина тадбиркорлик фаолиятини янада узвий тарзда амалга оширилиши, акс ҳолда тадбиркор рақобатда синиши ёки ўз фаолиятини тугатиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли даромадларининг маълум қисми 10 фоиз аҳоли қўлида тўпланганлиги ҳам даромадлар тенглигини таъминлашнинг заруратини келтириб чиқаради.

Фикримизча, аҳоли асосий қатламнинг даромадлари вақтинчалик узилишга учраган даврда жамғарма категорияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, давлатнинг зиммасига катта молиявий юкни келтириб чиқариш мумкин. Ўз навбатида, бюджетдан аҳолининг истеъмолини таъминлашни амалга ошириш бюджет дефицитини ошириши мумкин.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги учун кам даромадли оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, арзон кредитлар тақдим этиш, яқка тадбиркорликни ривожлантириш каби чоратадбирлар шулар жумласига киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги[15] 44-сонли қарори қабул қилинган. Ваҳоланки, ушбу ҳужжат доирасида моддий ёрдамнинг ҳажми катта бўлмаган ёки муддати қисқа бўлган. Умуман олганда, мазкур моддий ёрдам жорий истеъмолни таъминлаган бўлиб, қўшимча қиймат яратилишига шароитни яратмаган. Бошқача айтганда, тор доираги ялпи талаб давлат томонидан рағбатлантириб турилган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари таркиби[14]

т/р	Кўрсаткичлар номи	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021 уил январ-сентябр <sup>1</sup>
I.	Умумий даромадлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	шу жумладан:							
II.	Бирламчи даромадлар	84,2	85,1	80,6	77,5	76,2	75,7	73,8
	шундан:							
1.	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	82,0	82,2	77,4	74,6	73,5	73,6	71,6
2.	Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,2	2,9	3,1	2,9	2,7	2,1	2,2
III.	Трансфертлардан даромадлар	15,8	14,9	19,4	22,5	23,8	24,3	26,2

<sup>1</sup> Дастлабки маълумотлар

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хусусий секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини оширишга қаратилган тизимли ва тадрижий чора-тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Чунончи, хусусий секторнинг эркин ва мустақил ривожланишини таъминлайдиган зарур ҳуқуқий асослар яратилди ва улар фаол такомиллаштириб борилмоқда.

Республикаимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса касаначилик меҳнатини ривожлантириш ҳамда ролини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 66283 тани ташкил қилиб, шундан 43479 таси ёки 65,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига 35589 та (53,7 фоизи), савдо 8242 та (12,4 фоизи), саноат 6348 та (9,6 фоизи), қурилиш 2927 та (4,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2529 та (3,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади[14].

Бугунги кунда янги иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини кучайтириш, янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Ўзбекистонда касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб бормоқда.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар имтиёзли фоиз ставкаси билан ажратилади. “Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъ-

ектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз. Тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш мамлакат итисодиётида сезиларли даражада фойда олиб келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Фикримизча, тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожлантиришда қуйидаги муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- тадбиркорликни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бунга ҳозирда мавжуд айрим сунъий тўсиқларга тўлиқ барҳам бериш;

- ҳар бир тадбиркорнинг ўз имкониятларидан фойдалинишига йўл очиб бериш, уни тиклаш ва ривожлантириш, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш;

- маҳаллий ҳокимият кучи билан оилавий бизнес юритиш учун зарурий моддий ва маънавий шарт-шароитларни янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорга эркин чиқишига амалий ёрдам бериш;

- таълим тизимида бизнес сирларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилувчи махсус фанларни киритиш, оила ва таълим тизимида ўзаро яқин ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш;

- бизнесга хорижий инвестициялар, илғор ва замонавий мини технологияларнинг кириб келишига кенг йўл очиш, четга тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмини янада ошириш ва бошқалар.

Юқоридагилар республикаимиз учун ўта муҳимдир. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич республикаимизда 2,7 кишини ташкил қилади. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан аҳоли фаровонлигига эришиш ва бир оиланинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли, келажакда ҳар бир

аҳоилининг фаровонлигини таъминлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорлик кичик бизнеснинг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти катта бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга:

– мослашувчанлик ва инновацияларнинг юқори даражаси, ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш қобилияти;

– оила институтини мустаҳкамлаш каби муҳим ижтимоий вазифани бажаради, болаларни муваффақиятли тарбиялашга имкон бергани ҳолда, уларни ижтимоийлаштиришга ҳамда

демографик муаммоларни ҳал қилишга имкон беради;

– ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган юқори интилиш даражасини таъминлайди;

– жамиятда ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг барқарорлашувига имкон беради.

Агарда таъкидлаб ўтилган таклифлар амалиётга жорий қилинса, тадбиркорликни ривожланиши ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг омилларидан бири бўлган, “ўрта синфни” ўсиши ва аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.
2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с
3. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. –М.: Прогресс, 1991. – 223 с.
4. Мильнер Б. Качество управления – важный фактор экономической безопасности // Вопросы экономики.-1994.-№12.-С.54;
5. Родина Т.Е. «Реализация национального проекта «малое и среднее предпринимательство и поддержка индивидуальной предпринимательской инициативы» в России»//Сборник тезисов докладов участников научно-практической конференции «Инновационные направления интеграции науки, образования и производства»– Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020. – 329-331с.
6. Самсонов К. Элементы концепции экономической безопасности//Вопросы экономики. -1994.-№12.-С.14;
7. [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22\\_lbragimov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_lbragimov.pdf)
8. Гулямов С.С., Догиль А.Ф., Семенов Б.А. Предпринимательство и малый бизнес. – Т. 1997 – с. 33 – 34
9. А. Абдуллаев, А.Сотволдиев ва бошқалар “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режасалаштириш, бошқариш”. Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2005 й., 444 б.
10. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”. Т.: Меҳнат.2010. 9-бет
11. Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
12. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1504.pdf>
13. Маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
14. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари
15. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ АҲАМИЯТИ**

**Махмудов Жасурбек -**  
Тошкент молия институти

**Аннотация:** Мақолада иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, кичик бизнес фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркорлик, барқарор ривожланиш, инновация, венчур бизнес, инновацион тадбиркорлик, инфратузилма.

**ЦЕЛЬ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Махмудов Джасурбек -**  
Ташкентский Финансовый Институт

**Аннотация:** В статье освещены важность и специфика малого бизнеса и предпринимательства в контексте инновационного развития экономики. Проанализирована динамика развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Предлагаются также приоритеты инновационного развития малого бизнеса.

**Ключевые слова:** инновационная экономика, малый бизнес, предпринимательство, устойчивое развитие, инновация, венчурный бизнес, инновационное предпринимательство, инфраструктура.